

Ҳақиқий бахт формуласи



09:18 / 05.12.2023 2960

Қуръони Карим шундайки:

- Овозларимизни тартибга солиб қўйди:

الْأَصْوَاتِ أَنْكَرَ إِنَّ صَوْتِكَ مِنْ وَأَغْضُضْ مَشِيكَ فِي وَأَقْصِدْ

الْحَمِيرِ لَصَوْتِ ١٩

«Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» (Луқмон сураси, 19-оят).

- Юришларимизни тартибга солди:

يُحِبُّ لَا إِلَهَ إِلَّا أَن مَرَحًا الْأَرْضِ فِي تَمَشِّ وَلَا لِلنَّاسِ خَدَّكَ تُصَعَّرَ وَلَا

فَخُورٍ مُخَنَالٍ كُلِّ ١٨

«Одамлардан такабур-ла юз ўгирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир димоғдор ва мақтанчоқни севмас» (Луқмон сураси, 18-оят).

- Нигоҳларимизни тартибга солди:

الْحَيَاةَ زَهْرَةَ مِنْهُمْ أَزْوَاجًا بِهِ مَتَّعْنَا مَا إِلَى عَيْنَيْكَ تَمُدَّنَّ وَلَا

وَأَبْقَى خَيْرُ رَبِّكَ وَرِزْقٍ فِيهِ لِنَفْسِهِمُ الدُّنْيَا ١٣١

«Уларни синаш учун дунё ҳаётининг кўрки қилиб, айримларини баҳраманд қилганимиз нарсаларга кўзларингни тикма. Роббингнинг ризқи яхши ва боқийдир» (Тоҳа сураси, 131-оят).

- Қулоқларимизни, мажлисларимизни ва фикрларимизни тартибга солди:

وَلَا إِثْمَ الظَّنِّ بَعْضُ إِبْنِ الظَّنِّ مِّنْ كَثِيرٍ اجْتَنِبُوا ءَامِنُوا الَّذِينَ يَأْتِيهَا


أَنْ أَحَدُكُمْ أَيُّهُ بَعْضًا بَعْضُكُمْ يَغْتَبُ وَلَا تَجَسَّسُوا


تَوَابُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ وَانْقُوا فَكِرْهُمُوهُ مِيتَا أَخِيهِ لَحْمَ يَأْكُلَ



«Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейшни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўплаб қабул қилувчидир, ўта раҳмлидир» (Ҳужурот сураси 12-оят).

- Таомларимизни тартибга солди:

وَلَا أَشْرَبُوا وَكُلُوا مَسْجِدِ كُلِّ عِنْدَ زِينَتِكُمْ خُذُوا أَدَمَ يَبْنِي 

الْمُسْرِفِينَ يُحِبُّ لَا إِنَّهُ تَسْرِفُوا 

«Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодатда зийнатиңизни олинг. Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас»
(Аъроф сураси, 31-оят).

- Айтадиган сўзларимизни тартибга солди:

اللَّهُ إِلَّا تَعْبُدُونَ لَا إِسْرَاءَ لَ بَنِي مِثْقَ أَخَذْنَا وَإِذْ

وَالْمَسْكِينِ وَالْيَتَامَى الْقُرْبَى وَذِي إِحْسَانًا وَبِالْوَالِدَيْنِ

وَأَتُوا الصَّلَاةَ وَأَقِيمُوا حُسْنَ لِلنَّاسِ وَقُولُوا

وَأَنْتُمْ مِنْكُمْ قَلِيلًا إِلَّا تَوَلَّيْتُمْ ثُمَّ الزَّكَاةَ

مُعْرَضُونَ ﴿٨٣﴾

«Эсланг, ўшанда: «Аллоҳдан бошқага ибодат этмайсиз, ота-онага яхшилик қиласиз ва яқин қариндошларга, етимларга, мискинларга ҳам; одамларга яхши гаплар айтинг, намозни қоим қилинг, закотни беринг», - деб Бану Исроилнинг аҳду паймони олиган эдик. Сўнгра озгинангиздан бошқангиз юз ўгириб, ортга қараб кетдингиз» (Бақара сураси, 83-оят).

- Нафсларимизни тартибга солди:

خَيْرًا يَكُونُوا أَنْ عَسَىٰ قَوْمٍ مِّنْ قَوْمٍ يُسَخَّرُونَ لَأَمَانُوا الَّذِينَ يَتَأَيَّبُوا

نَلْمِزُوا وَلَا مِّنْهُمْ خَيْرًا يَكُنَّ أَنْ عَسَىٰ نِسَاءٍ مِّنْ نِّسَاءٍ وَلَا مِّنْهُمْ

بَعْدَ الْفُسُوقِ الْإِسْمِ بِئْسَ بِالْأَلْقَابِ نَنَابِرُوا وَلَا أَنْفُسَكُمْ

الظَّالِمُونَ هُمْ فَأُولَئِكَ يَتَّبِعُ لَمْ وَمَنْ الْإِيمَانِ ﴿١١﴾

«Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасинлар), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиқлик исми нақадар ёмон! Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золимлардир» (Хужурот сураси, 11-оят).

- Изоҳ, баёнот, тушунтиришлармизни тартибга солди:

كُلُّ وَالْفُؤَادَ وَالْبَصَرَ السَّمْعَ إِنَّ عِلْمَ بِهِ لَكَ لَيْسَ مَا نَقَفُ وَلَا

مَسْئُولًا عَنْهُ كَانَ أَوْلَئِكَ ﴿٣٦﴾

«Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил - ана ўшаларнинг барчаси сўралажак нарсалардир» (Исро сураси, 36-оят).

- Афв ва кечиримли бўлиш одобини ўргатди:

إِنَّهُ اللَّهُ عَلَىٰ فَاجِرِهِ وَأَصْلَحَ عَفَا مَنْ مِثْلَهَا سَيِّئَةً سَيِّئَةً وَجَزَاءُ

الظَّالِمِينَ يُحِبُّ لَا ٤٠

«Ёмонликнинг жазоси ўз мислидек ёмонликдир. Ким афв этиб, ислоҳ қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У Зот золимларни севмас» (Шууро сураси, 40-оят).

Қуръони Карим ҳаётимизни тартибга солишда етарли китобдир.
Ҳотиржамлик, руҳий ҳаловат топишни истаганларга

Қуръони Карим шундай йўл кўрсатади:

اللَّهُ بِذِكْرِ الْوَيْدِ أَلَّا اللَّهُ بِذِكْرِ قُلُوبِهِمْ وَتَطْمِينِ أَمْنُوا الَّذِينَ

الْقُلُوبُ تَطْمِينُ ٢٨

«Улар иймон келтирган ва Аллоҳнинг зикри ила қалблари ором топганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топур!» (Раъд сураси, 28-оят).

Ҳақиқий бахт формуласи Қуръони Каримга амал қилиб яшашдир.

Аллоҳ таоло барчамизни Қуръони Каримга амал қилиб яшашимизни насиб этсин!

Нозимжон Ҳошимжон & Хуршид Маъруф
Ҳижрий 1444 йил 10 ражаб